

Умидий (Хавоий, Маргилоний — тахаллуслари; асл исм-шарифи Мухаммадумар кори Неъматулла охун ўгли) (1835 — Маргилон шахри — 1905) — шоир, тарихчи. Хаёти Фаргона ва Маргилонда, Шаркий Туркистон (Кашкар)да кечган, Фуркат, Мукимий ва бошка шоирлар билан якин ижодий ҳамкорликда бўлган. Ижодий фаолияти 19-асрнинг 2-ярмида Фаргонадан бошланган; адабий мероси кичик хажмдаги лирик ва сатирик шеърлар ҳамда эпик дostonлардан иборат. Унинг «Маснавийи Умидий», «Девони Умидий» (1981), «Качкули Каландарий» (1891—92; назмий ва насрий йўл билан ёзилган хикоялар, афсона ва ривоятлар тўплами) асарлари, «Бадавлатнома ёки Тарихи Хўканд» (1880), «Мактубчаи хон» (1884), «Жангнома» (1888), «Хайрат ул-олам» ва бошка тарихий, фалсафий-дидактик дostonлари етиб келган. Умидий лирикасида ватанпарварлик, вафо ва садокат, соф мухаббат каби инсоний фазилатлар тараннум этилса, дostonларида Фаргона водийси ва Шаркий Туркистондаги турли жангу жадалларда хароб бўлган юрт, халк ахволи хакконий тасвирланади. Масалан, 2700 мисрадан иборат «Бадавлатнома ёки Тарихи Хўканд» дostonида Умархон вафоти (1822) дан 1875 йилгача бўлган Кўкон тарихи ва Ёкуббек (Мухаммад Ёкуббек Бадавлат)нинг харбий юришлари хикоя килинади.

Умидийнинг астрономия ва тиббиёт илмлари билан шугулланганини кўрсатувчи маснавийлари ҳам бор. Асарларининг кўлөзмалари Ўзбекистон Фанлар Академияси Шаркшунослик институти, Россия Фанлар Академияси Санкт-Петербург бўлими фондларида сакланади.

*Омон Жалилов*

## ГАЗАЛЛАР

\* \* \*

Мунхариф ўлди фалак, жавр ўлди кун-кундин зиёд,  
На хабибимдан карам, на ўзлигимдан эътимод.

Бир ажойиб толеим бордурки, ман хайрон анго,  
Сидк ила кўйсам кадам хар ерга, кўзголгай фасод,

Хар ишимдан, килмишимдан дўстлар хотир малул,  
Хар хунар килсам зиён афзуну бозорим касод.

Бўлмишам хайрону лолў йўк хабиби меҳрибон,  
Кўзима олам коронгу, гўри танг турган билод.

Лутф этиб, ёраб, ўзинг кўрсат манго рохи бако,  
Лавхи дилдан накши фосидларни айлаб инхирод,

Бори нисён, хамрохим йўк, кўзлашим мулки адам,  
Минган отим лангу логар, йўк кўлимда рохи зод,

Нўш этиб мастонадур хамри жахолатдин Умид,  
Шул жихатдин айламас охир ишин бир лахза ёд,

\* \* \*

Андалиби зордек дил кон килиб, афгон килиб,  
Мавсуми гулни таманносида кўп нолон килиб.

Бу жахони фоний гулзорига васл уммидида  
Беибо кўйдим кадам, ишк отини жавлон килиб.

Дилбарим зулфини чавгонига бу майдон аро,  
Максадим, ўйнатса бошим гўйини галтон килиб.

Шукрким, кўрдим жамолин толеим феруз ўлуб,  
Шум ракиблардин гамимни дил аро пинхон килиб,

Неча йиллардин бери май ишкида махмур эдим,  
Хуббатulloхи шароб ичдим фидойи жон килиб.

Берди илкимга фалак шамъи муродим ёрутуб,  
Кулбам ичра ёр хуснидан чарог эхсон килиб.

Бўлмаюб навмид Умидийдек талаб водийсида,  
Манзилу мақсадга еттим ашкими резон килиб.

\* \* \*

Нафас торин чекиб, каддингни хам айлар пано кам-кам,  
Олиб белдин мадоринг илгинга бергай асо кам-кам.

Тиларсен гар нажоти гам, тажарруд богини сайр эт,  
Тааллук келтуруркан бошинга юз минг бало кам-кам.

Кўзингинг гавхарин саррофи олам олгай ўрнидин,  
Бу тадбир ила айлар рўзгорингни каро кам-кам.

Кўлингдин кетса давлат мажмаидур бебако ичра,  
Узарлар мехру шафкат торини хар ошно кам-кам.

Махори ихтиёриг нафси баднинг илгига берсанг  
Гадо айлар сани юздин олиб шарму хаё кам-кам...

Хаво бирла хавас накшига дил берма жавонликда,  
Ўтиб байрам куни алдин кетар ранги хино кам-кам.

Киёмат койим ўлмога етушса йил, якин бешак,  
Улуглардин адаб бермак, кишилардин хаё кам^кам.

### ЙИГЧИ ЭШОН ХАЖВИ

Дарбадар оламни килди баччагар гумрох эшон,  
Макри шайтон бирла тадбир кўрсатиб пайдо эшон.

Йўк каромат бирла ёру канча хотун-киزلари,  
Кайси хотун бўлса мухлис, хар сифат зебо эшон.

Маргилондан канча одам бордиларким кўргали,  
Тўн кийиб, корни тўйиб рахмат била суллох эшон.

Мисвогидан ўт чикормиш — баччагарнинг шухрати,  
Катта иш бирлан килурсан, муттахам, даъво, эшон.

Кайси кофир, кайси чурчут килди бу безорилик,  
Сен хароми, беадаб, оламда бир танхо эшон...

Борди Сармсок хўжа эшон сан билан сухбат килиб,  
Кўй билан эчкини килдинг анга кўп савго, эшон.

Кўркамен тил очкали ул ким Кодиркул думадин,  
Мухтарам билсин губур, хоким билан подшо, эшон.

Манки кўркдим аввало ёзсам губурга билдуруб,  
Камбагал бечораман, хайратда дил огох, эшон.

Килмасунми хажв, аммо кўрса хам раммолида,  
Йўк Умиди, муттахамдан бўхча ё сарпо, эшон.

### РУБОИЙЛАР

Эй андалиби хома, хамиша тарона чек,  
Ёд айлагил жамолини, охи шабона чек.  
Наврўз кайфини яна кўздин учирмагил,  
Мастоналик пиёласини ёна-ёна чек.

\* \* \*

Эй сокийи хужасталикои тараб адо,  
Кавсар нишон шаробингга юз накди жон бако.  
Лаб ташна, жон гурусна, кўнгул майга мустаманд,  
Лаълинг хакида айла мани хожатим раво.

\* \* \*

Эй сокий, бода бахрига маллохи кишт ўлса,  
Хуруна коса тутки, майли шароби бихишт ўлса.  
Дориламон майкададин кувмагил гофил мани,  
Курбони бўйи бодаи райхон сиришт ўлса.

\* \* \*

Эй майфуруши асри шах, Жамшиди анжуман,  
Келтур кадахни гардиша, шайдолик айла фан.  
Гам дафъига ҳакими казо амр этиб шароб,  
Ранжи танимни дафъига хозиклик айла сан.

\* \* \*

Бир кеча сокий май била кўнглумни сарафроз,  
Чўх айлади, килиб эрдим жоним анго ниёз.  
Илгимда эрди зодаи ашъори хотирим,  
Айди тамом ўкуб кўруб, номин анго — Ниёз.

## **МУХАММАСЛАР**

\* \* \*

Билки ул золим фалак гуллар намоён айлади,  
Сабзалар бирлан чаман сахнини бўстон айлади,  
Гунчалар лаълини кулгу бирла хандон айлади,  
Турфатул-айн ичра аврокин паришон айлади,  
Булбули шўридасин догида нолон айлади.

Бирни тахти салтанат узра макомини баланд,  
Сарфарозу шодком айлаб эл ичра аржуманд,  
Хар таманносин муяссар, хар сўзин айлаб писанд,  
Душманин зору забун, олдида айлаб кайду банд,  
Бетахоши харна максудин фаровон айлади.

Бирни равшан килди кўзгуйи жалодат давлатин,  
Бирнинг ортурди дамодам гусса бирлан кулфатин,  
Мамлакат ичра куриб бирни сарири шавкатин,  
Бирни бехуш айлабон, чеккан тамоми меҳнатин,  
Бирни кулдурди, бирини багрини кон айлади.

Бирни Мажнундек биёбон узра килди дарбадар,  
Окизиб кўз йўлидин селобаи хуни жигар,  
Гохи узлат кўчасида кездуруб шаб то сахар,

Гохи ташлаб водийи фуркат аро бе поу сар,  
Телбаи саргаштаи кӯху биёбон айлади.

Дод этай юз тил билан бу дахри нофаржомдин,  
Бир-биридан баттаринрок бесубут айёмдин,  
Хар замон ком олмок истарлар мани нокомдин,  
Кўргузуб май ўрнида захри халохил жомдин,  
Бенаво Умидийдек махбуси зиндон айлади.

\* \* \*

Бўлсам, эй булбул, санингдек гулга хамдам кошки,  
Васл учун хилватгахи дилдора махрам кошки,  
Гайрдин айлаб каму сирримни мубхам кошки,  
Ийди хуснидин топиб бир кеча байрам кошки,  
Чирмасам зуннорини белимга махкам кошки.

Айру ўлдум ёрдин, агёрлар кулди сабаб,  
Домани сахрони туттум кўп чекиб ранжу тааб,  
Ушлади бемехрлик рохини ул хуро лакаб.  
Май сари тарки табассум айлабон ул шахдлаб,  
Сўзлади агёрима ман эмди ўлсам кошки.

Айладим тарки ватан Мажнун каби мен бенаво;  
Жавр ила килгоч ракиблар дилрабоимдин жудо.  
Шамъи айшимни ўчурди бемахал боди сабо,  
Бўлди олам сахни кўзумга мани зулматсаро,  
Етмасайди юз аламлар узра юз гам кошки.

Афзун ўла боражак хайрон уза расволигим,  
Гам кетурди бошима хасрат туни танхолигим,  
Ишкими фош айлади эл ичра бепарволигим,  
Дарбадар килди ракиблар бирла базморолигим,  
Бўлмасамчи бевафолар бирла хамдам кошки.

Эй харидори матои орифи бозори гул,  
Аргунунсози тараб хамону хар гулзори гул,  
Телбаи, ошуфтаи, мажруху пеши хори гул,  
Андалиби беватан килди сари зуннори гул,  
Сендек ўлсам бир нафас гул бирла ман хам кошки.

Бўлмади ошик бўлиб жоним, нигорим садкаси,  
Йўху борим васл ўлан хангоми борим садкаси,  
Саргарон бошим кудуми шахсуворим садкаси,  
Хар тарафдин накди диним, гулузорим садкаси,  
Деса Мажнуне мани хам халки олам кошки.

Жон керакмас жисмим ичра ул паризод ўлмаса,  
Тарки гулшан айларам ул кадди шамшод ўлмаса,  
Йўк Умид, андин карам бир лутф ижод ўлмаса,  
Мен каби юз кул боши йўлида барбод ўлмаса,  
Берса ул котил шаробе тиги гам хам кошки.

## НАВОИЙ ГАЗАЛИГА МУХАММАС

Телба Умидий кулинг беҳушу беидрокок,  
Нўш этиб хамри жаҳолатдин тили нопокрок,  
Сўзани Маръям билан килгил руфу чолокок,  
Кўкрагимдур субхнинг пироханидин чокрок,  
Кипригим шабнам тўкулган сабзадин намнокрок.

Жазмлик, яхши карамлик, меҳрибон кўрдум сани,  
Ташладим бошим аёгингга хамон кўрдум сани,  
Гавхари меҳрингни жисмим ичра жон кўрдум сани,  
Бу кўнгул гамнокидин тО шодмои кўрдум сани,  
Истарам, хардамки бўлгай хотирим гамнокрок.

Шўх-шанг атфоллардин тегса кўп бағримга тош, -  
Уз жазоси, килди иш бесабрликдин бекенгош,  
Тўкмака ушшок конин котили айлар талош,  
Уйла мужгон ханжарига ёпушубдур дурри ёш,  
Ким магар андин ятиме йўктурур бебокрок.

Кўйгуча ёлгиз мани, жонимни ол, эй дилрабо,  
Сансизин бир лаҳза лаззат йўк тирикликдин манго,  
Кўйма бепарво кадам хар ёна майл айлаб яно,  
Лабларингдан ком олурда барча эл кулдур санго,  
Жон берурда бир кулинг йўк бандадин чолокок.

Кўйса гар гарди мазаллатни ризо аҳлига чарх,  
Бошини фармондин индурмас, адо аҳлига чарх,  
Кимиё билгай баногоҳ чашми во аҳлига чарх,  
Одамийлик туфрогин берса фано аҳлига чарх,  
Охким, йўкдур киши аҳли вафодин хокрок.

Эйқачон бошим мани овези ул фитрок ўлур,  
Коши ёсидин тегиб ўк, сийнаси дарднок ўлур,  
Кон тарашшух айлабон, олуда жисмим пок ўлур,  
Неча ўкლოსанг Навоий, кўнгли захминрок ўлур,  
Кўрмагай, захмини тиккон сари бўлгой чокрок.

## ГАЗАЛИ ФОРСИЙ

Иборат мухтасар тавзиhi холам шархи исмат дошт.  
Усули дин каломам, як калам мазмуни хикмат дошт,

«Бахори дониши» аklam надорад фориg аз кулфат,  
«Бахористони» наврӯзам кариби шoми кулфат дошт.

Надонам «Равзатул ахбоб», ки ёри ман фусун дорад,  
Дили найранги хар бобаш хазорон фасли рахмат дошт,

Ба «Нахви» саргарон афтодаам аз харфи иллатро,  
Дили Мажнунам, аз Лайли, ки тӯмори мухаббат дошт...

Ба «Ахлоки» хусн бoби савоби шархи авродаш,  
Вале «Рухал-баён» тафсири ахлоки хамидат дошт...

Ба ихлосат забонам мекунад вирди «Далоилро»,  
Каломи «Масиавий» тавсифи авсофи хамидат дошт.

Ба «Девони» дилам дар хар вараk доги дигар дорад,  
Ки ёри ман ба агёрон «Бахористон»и ишрат дошт.

Дили «Тахзиби» ихлосам ба жаври махвашон хун шуд,  
Ки «Махбубул кулуби» мо намедонам чи хислат дошт.

«Акойид» шархи мадхаш мабхаси зoти сифоти ў,  
Ба васфи дафтари сонй чи авсофу, чи хислат дошт.

Каломи холу колу мабхаси дигар намедонам,  
Китоби мушкулоти дарси медорам-мухаббат дошт.

Калиди куфли бoби «Махфилорои» халойик шав,  
Ки «Мифтохул жинон» мазмуни кашшофи жамилат дошт,

Китоби «Шархи Мулло» Мавлавй Жомй Исомиддин,  
Асоси бекиёсу бахси исми дилфиребат дошт.

Каломат холи дилро мекунад сугроу хам кубро,  
Ки ёри ман намедонам: кадомин дину миллат дошт.

«Нукоти» сирри мактуби мухаббатро макун изхор,  
Ки хар як нуктааш мазмуни сад олам фазилат дошт.

Зи дасте сарнигунафлок дар дил догхо дорад,  
Умедй нотавон дар мавзеъи Машхад сукунат дошт.

**БУЛ КИТОБНИНГ НОЗИМИ МУЛЛАКАБ БА УМИДИЙ БИР НЕЧА СУЗ**

## «МАНТИК-УТ-ТАЙР» ДИН ФАСОНАГУДОЗЛИК БИРЛАН БАЁНГА КЕЛТУРГОНИНИНГ БАЁНИ

Хаёли тезпари Семургпарвоз,  
Хумоюн соясидин эшитур роз.  
Ёзиб журъат билан мушкин канотин,  
Чикиб давр узра Худхуд кўйди отин.  
Йўлукти мунга Семурги жахонгард,  
Сулаймон хизматига шухрати фард.  
Деди Семург:— Рух эрмиш шикорим,  
Хувайдо олам узра қору борим.  
Канотимни шамоли тегса тўзон,  
Улуг маҳкам бу Кўхи Коф паррон.  
Чўчуб панжамни зарбидин чунон бед,  
Фалак титраб кирар ер узра хуршед.  
Гизо хар кунда ўн минг мохи дарё,  
Кади минг бир қулоч, эн юз газ аммо.  
Зухал илгида учкун насри тайёр,  
Манго куллуққа юз тил бирла икрор.  
Хумоюн англабон Семург лофин,  
Қушод этти тилидин сўз гилофин.  
Деди:—Машхур эрур ном ила соям,  
Хама шахларга зилли арши поям.  
Агарчи бўлса соямда шарофат,  
Қурук сўнғак емаклик манго одат.  
Канот ганжига ҳақ қилди хозин,  
Бериб мифтоҳи истигно ниёзин.  
Юмуб кўзни тамаъни донасидин,  
Узум олдим жаҳон мардонасидин.  
Каноат даштида туштум бўлиб ток.  
Анинг-чун жумла эл, соямга мушток.  
Тугатмай сўзни оғзидин Хумоюн,  
Итик чангалли бургут — тиги вожун.  
Парафшонлик қилиб сўйи самода,  
Ўйин кўргузди меърожи хавода.  
Деди:—Хуш савлатимдин шери жаён,  
Қадам босқой адаб бирла хар инсон.  
Етарман тулқуга тавсун — ажалдек,  
Урарман панжа марги бемахалдек.  
Тамоми жузви унсун хосиятвор,  
Унумдин телба итга вахшатим бор.  
Адо қилмай сўзин Бургут диловар,  
Қелиб Қарчигай лаб очти баробар:  
Хаво мавжида давр урсам замоне,  
Тополмас гози чихл мандин амоне.  
Ўзин таърифин айлар холо Лочин,



Балодек келди хам очиб кулочин.  
Деди:— Мандин субоъи хар биёбон  
Кочарлар жойи хилват излашибон.  
Кабутарлар кўзига тархи шаклим,  
Бало янглиг, алар гўштидур аклим.  
Али ўгли Хасан, шохи шижоат  
Канотимни силломай мурги давлат.  
Кадим айём ул Султони Бахром,  
Кўтарган илгига, айлаб кўп икром.  
Паримла куйдуруб хокистаримни,  
Асал бирла кўшуб магзи саримни.  
Еса, фарзанди бўлмас эру хотун,  
Берур фарзанд бешак хайи бечун.  
Бу жанжол бирла етти шохи Туйгун,  
Бўлуб табъи кудуратдин дигаргун,  
Деди:— Манман субоълар ичра олгур,  
Шикор айлардадурман мушти пурзўр.  
Баробар ёнидин сўз айди Шункор:  
— Йўкол, кет, кушлар ичра сан на даркор.  
Итолгу келди, Киргий оркасидин,  
Турумтой, Чўли Чифак барчасидин.  
Али мерганки жўйга-кўйга дастёр,  
Кизитти маърака кадрича бозор.  
Чигилбой бирла Калхат, Фунг, Кулонгир,  
Алокарга, Йиглок куш, Шабонгир.  
Булар ўз холига, кадрига бока,  
Тофибон жойи хилват тока-тока.  
Тўкарга сайд конин лофи бисёр,  
Урардилар ибосиз, масту хушёр.  
На хуш сўз деб эди бир кун Навоий,  
Китоби «Хамса» да хикмат адойи:  
— Ифору сандалу сунбулга бозор,  
Ўтунга бор жахон ичра харидор.  
Эшакмунчок харидорига даллол,  
Навоий мустаманд, ошуфта ахвол...  
Низомий бирла Жомий, шайх Хусрав  
Фалотун табъ, килкидур фалакрав.  
Алар бозори гавхар ичра сарроф,  
Тугалмас хирмани олмаса аллоф.  
Ярар ўз жойида шамширу найза,  
Вале иш биткарур бечора игна.  
Умидий, гарчи элга хору абтар,  
Сухан айтувга жойи фурсат истар.